

Prospects for Innovative Development of Strategic Management of Enterprises

Ergashev Tokhir Kurbanovich

Annaev Abbos Bakhtiyor oqli

Аннотация. Корхонани стратегик бошқариш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Стратегик бошқарувсиз яъни, режасиз корхона фаолиятини олдиндан тахмин қилиб бўлмайди. Бу фақат тизимсиз ташқи таъсирлар ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда менежерлар томонидан қабул қилган қарорларнинг мазмун моҳиятига ва шу йўл орқали корхоналар фаолияти самарали йўналтирилганлигига боғлиқ бўлади.

Ключевые слова: Корхона, стратегия, режалаштириш, ислохотлар, таш-қи ва ички омиллар, операциялар, ресурслар, бизнес, самарали бошқариш, рақобат, инновация.



Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув ва трансформацияла-шув жараёнида корхоналарни стратегик бошқарув масаласи муҳим ўрин тутди. Бугунги кун корхоналари ички, ташқи омиллар таъсирига тез мос-лашувчан, рақобат курашида ўз ўрнини эгаллаш имкониятлари бўлган ҳам-да, рақобат курашда ғолибликни қўлга киритадиган қудратга эга бўлишни таъминлайдиган стратегик режалари бўлиши керак. Акс ҳолда корхона ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмайди.

Кўплаб корхоналар ўз фаолиятининг даслабки даврларида самарали фаолият кўрсатиш учун кундалик жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ ички муаммо-ларга урғу беришган ва буни ўз муваффақиятларининг натижаси деб қарашган. Ҳозирги кунда бундай усулдан фойдаланиш корхоналарни кўзланган мақсадга эришишига ёрдам бермайди. Улар мавжуд потенциал-дан оқилона фойдаланиш вазифасини корхоналар фаолиятидан олиб ташланмасдан ҳозирги даврда тез ўзгарувчан муҳитга мослашувчи инновацион бошқарувни амалга ошириш муаммоси ечишлари зарур. Чунки глобалла-шув ва кучли рақобат муҳити шароитида фаолият юритаётган корхоналар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи бозор механизмлари корхона фаолиятида бугунги кунда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган стратегик бошқарув усулини қўллаш аҳамияти зарурлигини белгилайди. Шунга кўра, тез ўзгарувчан рақобат шароитида фаолият юритаётган корхоналарини самарали бошқариш масаласи бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Илмий изланишларимизнинг асосий шарти ҳисобланган ва унда ишлатиладиган терминларга эътибор қаратиб унга аниқлик киритсак. Бугунги кунда илмий адабиётларда страте-гик бошқарувнинг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, улар концепциал кўп қиррали хусусиятга эга ва ташқи муҳит таъсирида, жуда хилма-хил кўри-нишда ўзгаришига қараб изоҳланади ҳамда бу, атамани аниқлаштириш, тўлдириш ва янгилаш зарурлигини белгилайди.

Авалло "стратегия" тушунчасини кўриб чиқамиз. Фалсафий энцикло-педияда стратегия атамаси субъектлар фаолиятини уларнинг имкониятла-рини, истикболларини, воситаларини, ўзаро алоқаларни ҳамда таъсирини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган муаммолар, қийинчиликлар ва зиддиятларни ҳисобга оладиган инсоний муносабатларнинг ташкил этиш шакли сифатида талқин этилади [1]. Кўриб турганингиздек, ушбу атама тушунчаси инсон билимларининг деярли барча соҳаларида қўлланилиши мумкин.

Менежментда стратегия – бу асосий мақсадга эришишнинг умумий режаси бўлиб, у чекланган ресурслардан қайси йўналишларда фойдала-нишни аниқлашни ўз ичига олади [2].

Бизнесга нисбатан стратегия тушунчаси эса куйидагича талқинда ифодаланиши мумкин: Бизнес стратегияси бу келишилган қарорлар тўплами бўлиб, корхона ва ташкилот фаолиятига таъсир этувчи узоқ муддатли ва қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келувчи ҳаракатлар таъсирни аниқлашдан иборатдир [3].

"Стратегик бошқарув" атамаси биринчи бўлиб йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида Америка Қўшма Штатларда корхоналарда бошқарув дара-жасини ажратиш ва аниқлаш учун ишлатилган. Илмий адабиётлардан биз-га маълумки, стратегик бошқарув корхоналарда бошқарувнинг энг юқори даражасида, жорий бошқариш эса - ишлаб чиқариш даражасида амалга оширилади. Ишбилармонлик муҳитининг ўзгариши бу терминларнинг ишлатилиш шартларни фарқлашни тақозо этди. Корхоналарда стратегик

бошқариш ғояларининг асосчиси америкалик олим Игор Ансофф ҳисобланади [4]. У ўзининг стратегик бошқариш тўғрисидаги илмий изланишлари-ни биринчи марта 1965 йилда нашр этган.

Стратегик бошқарув назарияси соҳасида дунё миқёсида тан олинган олимлар Д.Шендел ва К.Хаттернинг таърифларига тўхталамиз [5]. Улар стратегик бошқарувни, ташкилотнинг ташқи муҳит билан муносабатлари-ни аниқлаш жараёни деб ҳисоблашган. Ушбу жараён белгиланган мақсад-ларни амалга оширишдан иборат бўлиб, ресурсларни тақсимлаш орқали атроф-муҳит билан алоқанинг керакли ҳолатига эришишга интилади. Бу ташкилот ва унинг бўлинмаларининг самарали ишлашига имкон беради. Д.Хиггинснинг фикрига кўра, стратегик бошқарув - бу ташкилотнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирини бошқариш орқали ташкилотнинг миссиясига эришишга қаратилган бошқарув жараёни [6].

Тадқиқот методологияси. Илмий изланишларимиз натижалари, иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни қиёсий таҳлил ва солиштириш, тизимли таҳлил, усулларида фойдалана-тилган ҳолда ўрганиб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Юқорида стратегик бошқарувга берилган тарифлар корхоналарни инновацион бошқариш жараёнларини таҳлил қилишда тўлиқ деб бўлмайди. Чунки стратегик бошқарув ва инновацион ривожланишнинг оддий бошқарувдан фарқи бўлиб унинг қирралари ҳар сафар илмий изланиш мақсадига қараб ҳар хил тарифланади.

Бугунги кунда стратегия самарали бизнес юритишнинг муҳим шарт-лари ва хусусиятларидан биридир. Амалиёт шуни кўрсатадики, рақобат муҳитида ҳеч қандай корхона аниқ мақсадсиз, бошқарувда инновацион технологияларни қўлламадан муваффақиятли фаолият кўрсата олмайди.

Мамлакатимизда инновацион бошқарув жараёнларининг кенг кўлам-да қўлланилаётганлиги, иқтисодиётимиз ривожланишини рақамли техно-логиялар асосида амалга оширилаётганлиги бу бошқарув тизимида амалга оширилаётган кенг ислохотларнинг маҳсулидир. Агар корхона даражасида стратегик бошқарувда "стратегия" тушунчасини аниқлаш ҳақида гапиради-ган бўлсак, бу йўналишда биз қуйидагиларни таклиф қилишимиз мумкин: Корхона стратегияси - бу ташкилий мақсадларга эришишга қаратилган бизнесни ташкил қилиш ва рақобат усуллари аралашмасини ўз ичига олган кенг қамровли бошқарув режаси ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида корхо-налар даражасида стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бошқариш жараёнининг стратегик менежменти деб аталади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхоналарнинг стратегик бошқаруви бу - стратегик мақсадларни белгилаш, стратегияни ишлаб чиқиш ва уни ўз вақтида амалга оширишни ташкил этиш жараёнидир. Бу жараённи корхона бошқарувини шакллантириш деб таърифлаш мумкин.

Стратегик бошқарувни амалда корхона даражасида қўллашнинг асо-сий афзалликлари ҳақида гапирганда, қуйидаги асосий фикрларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- стратегик бошқарувнинг моҳияти - барқарор бўлмаган ташқи муҳитда омон қолиш ва самарали ишлаш қобилиятини сақлаш учун унинг фаолиятидаги ўзгаришларни доимий равишда кузатиб бориш ва баҳолаш асосида корхонанинг ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш;

- корхонанинг барча ресурсларини умумий стратегияга амалга оширишга қаратиш.
- иқтисодийдаги ўзгаришлар натижасида юзага келадиган ҳолатларга янги имкониятларни излаб топиш ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларнинг олдини олишга бошқарувчиларни тезда жавоб беришга ва оптимал қарорларни қабул қилишга йўналтириш зарур бўлади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, корхоналарни стратегик бошқаришда жамиятнинг замонавий ривожланиши шароитини ҳисобга олган ҳолда, бошқарувда шунга мос юқори сифатли технологиялар фойдаланиш тобора кўпроқ рол ўйнайди. Шунинг учун бугунки кунга келиб кўплаб мамлакатлар иқтисодий ўсишнинг инновацион таркибий қисмига эътибор бериш-моқда. Корхоналарни муваффақиятли стратегик бошқаришнинг ажралиб турадиган хусусияти бу уларнинг фаолиятида инновацион усуллардан фойдаланиш интенсивлигидир. Инновацион жараёнлар, инновацион маҳсулотлар ва инновацион дастурлар барча турдаги корхона учун тегишли бўлиб рақобатбардошлик даражасини таъминлаш учун асос бўлиб, унинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Инновация - бу узоқ вақт давомида корхонага рақобатчиларга нисбатан устунлик берадиган янги ташкилий-иқтисодий шаклларни жорий этиш билан бирга янги маҳсулотлар, технологиялар ва хизматларни яратиш жараёни ва келажакда истеъмолчилар эҳтиёжларини баҳолашга ва уларни ҳисобга олишга қизиқишнинг ортишидир. Корхоналарни стратегик бошқариш нуқтаи назаридан инновацияларнинг иқтисодий моҳияти ресурслардан олинadиган даромадни ўзгартиришидир. Истеъмол нуқтаи назаридан у истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш ҳамда қийматининг ўзгаришини ўзида мужассам этиш ҳисобланиб, корхоналарга ресурслардан оқилона фойдаланишда ёрдам беради. Шу билан бирга корхоналарнинг бизнесини шакллантириш ёки рақобатбардошлигини ошириш учун маҳсулот турини диверсификациялаш ва шунга мос янги техника ҳамда технологияларни қўллашни тақозо этади.

Корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожланиши инновацион тадбиркорлик билан боғлиқ. Инновацион тадбиркорлик деган-да техник ва технологик янгиликларни яратиш ва тижорат мақсадларида фойдаланиш жараёни тушунилади. Одатда, тадбиркорлик янгиликлари янги эҳтиёжларни қондирадиган янги бозорни яратишга имкон берадиган маҳсулотлар ёки хизматлар соҳасидаги янгиликларга таянади. Инновация - бу тадбиркорликнинг ўзига хос воситаси. Инновацияларни яратиш ва амалга ошириш жуда мураккаб ва хатарли жараёнлардир. Унинг мураккаб-лиги шундаки, ҳали мавжуд бўлмаган ушбу ишлаб чиқариш ва иш восита-ларини яратиш ёки таниқли аналоглардан сифат жиҳатидан устун бўлиши керак бўлганларни модернизация қилиш зарур. Бундан ташқари бу жараён-да, маълум бир хатарлар мавжуд, чунки истеъмолчи янги маҳсулотни қандай қабул қилиши номаълум ва агар янги маҳсулот ишлаб чиқаришга киритилса, унинг иқтисодий мослашуви ва самарадорлиги ҳам номаълум бўлади. Инновацион жараённи инновацион ғоялардан ва корхоналар учун инновацион сиёсатни шакллантириш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларни ташкил этишни ўйлаш кераклиги аён бўлади. Инновацион ғоялар инновацион жараённинг умумий занжиридаги баъзи муаммоларни ҳал қилишлари учун керак бўлган ва бир-бирига боғлиқ бўлган ташкилотларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Инновацион лойиҳаларни яратишдаги муҳим вази-фалардан бири бу муаммоларни ҳал қилиш ва аниқ мақсадга эришишга қодир бўлган тузилмани шакллантиришидир. Инновацияларни яратиш жараёнида пайдо бўладиган вазифаларни

бажариш учун корхона тузилиши динамик бўлиши ва унинг параметрларини ўзгартиришимкони бўлиши керак.

Корхоналар яратилар экан, уларнинг ташкилий тузилмалари аниқ мақсадларга эришиш учун шакллантирилади. Корхонани стратегик бошқа-ришда инновацион усулларни қўллаш, унинг мақсадларига эришишида бошқарувдаги ижодий гуруҳлар, уларнинг фикрлари, тахминлари, унга эришиш шакллари ва усулларини таҳлил қилиш орқали ҳисобга олишни талаб қилади. Инновацион корхоналар инновацион жараённинг ўзи, хусусан, фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар ва инновацион ривож-ланиш, техник ва технологик янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳсулотларнинг янги турларини чиқариш ва амалга оширишнинг мазму-ни ва тузилиши асосида шаклланади. Ушбу жараён алоҳида тадбирлардан иборат. Бу алоҳида инновацион корхона яратишга асос бўлди. Ҳар бир инновацион корхона умумий инновацион жараёнда ўзига хос бўғинни шакллантиради. Барча корхоналар бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиша-ди. Инновацион корхоналарнинг шаклланиши ва фаолияти инновацион жараённинг мантиқи, хусусан, уни келтириб чиқарадиган меҳнат тақсимо-ти билан тартибга солинади.

Корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожланти-риш инновацион тадбиркорлик билан узвий боғлиқ ҳолат бўлиб, у эса янги нарсани яратиш учун махсус ижодий жараён ҳисобланади. У доимий равишда янги имкониятларни излашга ва янгиликка йўналишга асосланган стратегик бошқарув жараёнидир. Бу тадбиркорнинг ушбу вазиятда юзага келадиган молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликдан ташқари, янги лойиҳани амалга ошириш ёки мавжуд лойиҳани такомиллаштириш хавфини тўлиқ ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан боғлиқ. Умуман олганда, инновацион тадбиркорликни инновацияларни амалий қўллаш орқали ўзига хос хусусиятларига кўра товарларни, хизматларни ёки техно-логияларни яратишга олиб келадиган ижтимоий-техник ва иқтисодий жараён деб таърифлаш мумкин ва буни корхоналарни стратегик бошқа-ришнинг инновацион ривожлантириш истиқболи деб қараш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлил натижалари бўйича корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожлантириш бу келажакда корхоналар учун қуйидаги имкониятларни яратиб беради:

1. Маҳсулотни янгилаш, яъни корхонанинг савдо салоҳиятини янгилаш, компаниянинг ҳаётийлигини таъминлаш, фойдани ошириш, бозор улушини кенгайтириш, мижозларни сақлаб қолиш, мустақил мавқе ва обрў-эътиборни мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш ва ҳ.к.
2. Технологик инновациялар жорий қилиш жараёни яъни бу ишлаб чиқариш имкониятларини модернизация қилиш жараёни, бу меҳнат унумдорлигини оширишга, энергия, хом ашё ва бошқа ресурсларни тежашга қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида компания фойдасини кўпайтириш, хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини кўриш ва ахборот тизимларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.
3. Ижтимоий жиҳатдан инновациялар - бу ташкилотнинг гуманитар соҳасини мунтазам такомиллаштиришнинг умумий жараёни ҳисобланиб бунда янгиликлардан фойдаланиш меҳнат бозорида имкониятларни кен-гайтиради, корхона ишчиларини белгиланган мақсадларга эришиш учун сафарбар қилади ва ташкилотнинг ишчилар ва умуман жамият олдидаги ижтимоий мажбуриятларига ишончини мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Кемеров В. Философская энциклопедия. - М.: Панпринт, 1998. [Электронный ресурс]- <http://www.term.ru/dictionary/183/word/strategija>.
2. Глоссарий по менеджменту, проект perfekt.ru [Электронный ресурс]. - <http://www.vocable.ru/dictionary/776/word/strategija>.
3. Стратегия бизнеса. Справочник. [Электронный ресурс]. [http://slovari.yandex.ru/Лопатников/Стратегия бизнеса](http://slovari.yandex.ru/Лопатников/Стратегия%20бизнеса)
4. Ансофф И. Стратегическое управление. Пер. с англ. - М.: Экономика, 1989. - 358 с.
5. Schendel D. E., Hatter K. J. Business Policy or Strategic Management: A Broader View for an Emerging Discipline. Academy of Management Proceeding. August, 1972.
6. Higgins J.M. Organizational Policy and Strategic Management: Text and Cases. 2nd ed. Chicago, The Drydent Press, 1983